

**Мухтарам жамоат!** 2018 йили юртимизда барча соҳаларда бўлгани каби, диний соҳада ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Қуйида улардан баъзиларини айтиб ўтамиз:

- Юртбошимиз ташаббуслари билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан Республика миқёсида 5 мингдан ортиқ қорилар иштирокида Қуръон мусобақаси ташкил этилди;
- Халқаро Ислом цивилизация маркази ташкил этилиб, фаолият йўналишлари белгилаб олинди ва ҳозирда унинг биносини қурилиши изчил давом этмоқда;
- Халқаро ислом академияси ташкил этилиб, ҳозирда ўз таркибидаги ўрта таълим (лицей), олий таълим (бакалавр, магистр) ва таянч докторантурага талабалар қабул қилиб, фаолиятини давом эттирмоқда;
- “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил қилинди. Ҳозирги кунда “Вақф” томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, Республикадаги олий ва диний таълим муассасалари талабаларининг шартнома пулларига кўмаклашиш, масжид ва зиёратгоҳларни обод қилиш ва ҳоказо хайрли ишлар амалга оширилмоқда;
- Халқимизнинг бошланғич диний таълимга эҳтиёжи борлигини инобатга олиб, диний таълим муассасаларида уч ойлик Қуръон ва тажвид ўқитиш курслари ташкил этилди;
- Ҳаж қилувчилар сони оширилди ва йил давомида Умра қилиш имконияти йўлга қўйилди;
- Йил давомида 100 дан ортиқ масжидлар капитал таъмирдан чиқарилди ва яна 10 дан ортиқ янги жоме масжидлар очилди;
- Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан Республикадаги барча имом-хатиблар ўртасида "Энг маърифатли имом – 2018" кўрик танлови бўлиб ўтди;
- Ҳар йили Юртбошимиз ташаббуслари билан маҳкумларга нисбатан қўлланилаётган умумавф – амнистия акти бўлгани каби, бу йил ҳам Конституциямиз қабул қилинган куннинг 26 йиллиги муносабати билан мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонларидан авф эълон қилинди. Унга кўра, авф 136 кишига дахл қилади, шундан 98 киши қамоқдан озод этилади. Зеро, авф этмоқ азалий миллий ва диний қадриятларимизга тўла ҳамоҳангдир. Инсон ўзи билиб-билмай содир этган қилмиши, гуноҳини ўз вақтида тан олса, вақт ўтказмай, тавба қилиб, бу ишларни қайта такрорламаслигига кафолат берса, тавбасини нафақат сўзи, балки амаллари билан исботлай олса, ўзига нисбатан кўрсатилган авфга муносиб жавоб берган бўлади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

"كُلُّ بَنِي آدَمَ خَطَّاءٌ وَخَيْرُ الْخَطَّائِينَ التَّوَّابُونَ" (رواه الإمام الترمذي والإمام ابن ماجه)

яъни: “Одам боласининг ҳар бири гуноҳ қилади, аммо уларнинг ичида энг яхшилари – гуноҳларига тавба қилганларидир” (Имом Термизий ва Имом Ибн Можа ривояти);

➤ Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган тарихий нутқида куйидаги долзарб масалаларга алоҳида тўхталиб: “Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиши билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислоҳ дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”, – дея таъкидлаган эди.

Бундай ҳаққоний ёндашув халқаро доираларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 21 декабрдаги 2396-сонли Резолюциясида: “Терроризм, зўравон экстремизм ҳеч бир ирқ, дин, миллат ва цивилизация билан алоқадор эмас ва боғлиқ ҳолда талқин қилинмаслиги керак”, – дея қайд этилди.

2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюцияни қабул қилди. Бу Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг яна бир ҳаётий ифодасига айланди.

Хуллас, бу ислоҳотлар юртимиз мўмин-мусулмонлари ҳаётига хурсандчилик олиб келди, уларга ўзига хос ғайрат, ўзгача шижоат бахш этди. Шу севимли Ватан фарзандлари сифатида ҳеч ҳам ношукрликка йўл қўймай, кўпдан-кўп шукрона қилиш бурчимиздир. Чунки ношукрлик неъматларни қўлдан кетишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло неъматларга шукр қилсак, зиёда қилиш ваъдасини берган.

... لَئِن شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ ... (سورة إبراهيم الآية-7)

яъни: “...агар (берган неъматларимизга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман...” (Иброҳим сураси, 7-оят).

**Мухтарам азизлар!** Мана, 2018 йилнинг ҳам тугашига санокли кунлар қолиб, янги 2019 йил кириб келиши арафасида турибмиз. Бу дегани умримизнинг яна бир йили тугаб, янги саҳифаси очилмоқда. Шунинг учун барчамиз ўтган умримиздаги яхши-ёмон ишларимиздан хулоса қилиб, янги 2019 йилни фақат яхши амаллар, савобли ишлар, дунё ва охиратимиз учун захира бўладиган амали солиҳлар билан ўтказишни мақсад қилмоғимиз лозимдир. Ўтган солиҳ зотлар кишининг эртанги куни бугунидан яхши ва фойдали бўлиши ҳақида шундай деганлар:

مَنْ اسْتَوَى يَوْمَاهُ فَهُوَ مَعْبُودٌ

яъни: “**Кимни икки куни бир хил бўлса, у кунини қадрига етмабди**”.

Демак, мўмин-мусулмон киши ҳар янги келаётган кунини қадрига етиб, уни ўтган кунидан кўра кўпроқ ва яхшироқ савобли амаллар билан ўтказишга ҳаракат қилмоғи лозим. Ўтган кундаги ишларига мағрурланиб, ўша билан

кифояланиб қолиб, янада кўпроқ ҳаракат қилишга ошиқмаслик – оқил мўъминнинг иши эмасдир. Шу нуқтаи назардан биз келаётган янги йилга яхши амалларимиз учун захира бўладиган умримизнинг бир қисми деган эътибор билан қарашимиз лозим.

Баъзиларнинг “янги йил кутиши мутлақ жоиз эмас, у фақат христианларнинг байрами” деб қарашлари тўғри эмас. Чунки, биз уни христианларнинг байрами сифатида ва уларга ўхшаб нишонламаймиз, балки йилнинг янгиланиши, умримизга умр кўшилиши, эски йилда қилиб улгурмаган хайрли ишларимизни янги йилда қилиш учун яхши ниятлар билан кутиб оламиз.

Қолаверса, ҳар бир кунни қарши олишда “Мана шу ёруғ кунга саломат етказганингга шукр”, – деб Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтишимиз яхши одатларимиздандир.

Аллоҳ таоло 2019 йилда қилинадиган барча соҳадаги ислоҳотларимизни файзли ва баракали қилиб, бунданда зиёда айласин! Омин!